

SAMARQAND VILOYATI  
MCHJ SHAKLIDAGI  
"JAVLON AUDIT SERVIS"  
AUDITORLIK TASHKILOTI



АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ  
В ФОРМЕ ООО  
"JAVLON AUDIT SERVIS"  
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Manzili: Samarqand sh. A.Rudakiy kochasi 140 uy, 18 xona. Rekvizitlari: x/r 20208000804314106001, МФО 01130 АТ «Ипотека банк», Зангиота филиали, ИНН 204897972, telefon 91 523 5775

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

### «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг бошқаруви раҳбариятига

#### Фикр

Биз «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиеъати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботлари унинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

#### Фикр билдириш учун асослар

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Мазкур стандартларга қўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номи бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

#### Мустақиллик

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

#### Муҳимлик

Ўтказилган аудиторлик текширувини қуламини аниқлашга муҳимлик даражасини қуллаш ўз таъсирини кўрсатган. Аудит текширилаётган молиявий ҳисобот муҳим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги юзасидан оқилона ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган.

Муҳим бузиб кўрсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноқонуний ҳаракатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.

Раҳбар - аудитор Ш.Т. Нуриддинова (АМС №04394 24.07.2012й)





Муҳимлик даражасини аниқлашда биз халқаро амалиётда қулланилаётган услубиётга асосланган ва аудитор ҳисоботиغا илова қилинган ҳисоб китобни амалга оширдик.

#### **Аудитнинг муҳим масалалари**

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

#### **Бошқа ахборот**

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботлар ўртасида муҳим зиддиятлар бор йўқлигини аниқлаш ва корхонада қонунчиликка риоя қилинишини урганиш мақсадида бошқа молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чиқилди ва улар билан молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида муҳим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

Бу борада корхона раҳбариятига молиявий ҳисобот шаклларида бўлган корхона Баланси маълумотларини фойдалигини янада ошириш ва уни расмийлаштириш борасидаги маълум талабларни тўлиқ бажариш учун унинг тегишли сатрида ҳисобот даврининг боши ва охирига мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирилиши лозимлиги таъкидланди.

#### **Молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги**

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошқор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

#### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, АХСларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса ноҳўя ҳаракатлар нагжаси деб қаралади ва муҳим бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофиқ профессионал мулоҳазани қуллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда ҳаракат қилдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз қуйидагиларни бажардик:

корхона масъул шахсларининг номақбул ҳаракатлари ва хатолари таъсирида молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларнинг мавжудлиги rischi даражаси аниқланди;

аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлинди;

корхонанинг ҳисоб сиёсати ўрганиб чиқилди ва уни корхона фаолиятига мос келишлик даражасига баҳо берилди;

корхона фаолиятини узлуксизлиги борасидаги раҳбар шахсларнинг баҳолашнинг ҳақиқатга мос келишлиги тўғрисида хулоса қилинди;





«MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2022 йиллик молиявий ҳисоботиغا  
мустақил аудиторлик хулосаси

текширилаётган молиявий ҳисобот буйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларини йиғилганлигининг даражаси ўрганилди;

молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбариятига корхонадаги мавжуд ҳисоб ва назорат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги фикрларимизни баён қилдик ва «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати таҳлили буйича амалга оширган ҳисоб китобларимизни тақдим этдик.

МЧЖ шаклидаги «JAVLON AUDIT SERVIS»  
аудиторлик ташкилотининг директори-аудитор:  
(Аудитор маънаси сертификатини № 04394 24.07.2012й)

 Ш.Т.Нуриддинова.

06 июн 2023 йил  
Ўзбекистан Республикаси Самарқанд шаҳри.

АУДИТ ЎТКАЗИЛГАН ТАШКИЛОТ МАЪЛУМОТИ	АУДИТ ТАШКИЛОТ МАЪЛУМОТИ
Номи: «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти	Номи: МЧЖ шаклидаги «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилоти.
Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон туман, Митан кургони, А.Темур куча- 5	Адрес: 140100. Самарқанд ш., Рудакий кўчаси, 140 - уй, 18 - хонадон.
Х/рақами: 22626000800471168001.	Х/рақами: 20208000804314106001,
МФО 00309 АТБ «Агробанк» Иштихон булими	МФО 01130 АТ «Ипотека банк», Зангиота филиали
СТИР: 200741734	СТИР: 204897972.